


**Шеробод туманида Экология,
атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва
иқлим ўзгариши вазири
А.Абдухакимовнинг буйруғига
асосан Сурхон воҳасида ягона
ҳисобланган "Сурхон" давлат
қўриқхонасига моддий-техник
буюмлар ажратилди.**



Жумладан, ИСУЗУ Д-МАХ русумли йўлтанламас автомашина, лаборатория тарозиси, фотоқопқон, бинокл, планшет, тепловизор, оптик кузатиш трубаси, ГПС-приёмник, қоп кўрпа, каремат ва палаткалар билан та'минланди. Вазирлик томонидан ажратилган моддий-техник инвентарлар "Сурхон" давлат қўриқхонаси директори Р.Турдийев томонидан ходимларга тантанали тарзда топширилди.